



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 7-noyabr

№45 (4288)

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетақор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз микёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

— шоиранинг ўзбек тилида "Сайланма" асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърый тўпламларини;
— "Зулфия замондошлари хотирасида" китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

— шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

— Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Муштақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш;

— мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

— 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 31 октябрь

ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон халқ шоири

ЭҶЗОЗЛАР, АРДОҶЛАР УЧУН ТАШАККУР

Бу оқшом пориллар дил нурунгида,
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.
Турибман, азизлар, ҳузурингида
Ҳамон ўтлинг қўнғил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим — шеър,
Сочимда, чехрамда йиллардан нишон.
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,
Орузларим қарвон, сарбоним — ишонч.

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним
Азиз ёди аро шикаста, бутман,
Ишқим — лангадир, қордир ҳижроним,
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачи —
Мунисим Ҳулкарим, алшим Омоним.
Ширин набиралар ҳаётдан тортиб,
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд
Ҳазрат устозларим — терең илдишлар,

Мен ундан жон олиб қўқарган дарахт,
Меъаси — қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим
Аждодларим менга ифтихор, гурур.
Шу мавжлардан томган нуқра умидим
Шоира қизларим бахш этган сурур.

Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завоқ лашқари,
Мен кетсам, мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар — бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман, юзимни тутиб Қаббага,
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Оеуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулени дорилмон, ҳур,
Бахтим шул — ўзбекининг Зулфиясиман.



ЭҶТИРОМ ВА МУҶАББАТ

Муҳтарам Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорини ўқиб, қалбим фахр ва гурурга тўлди. Қарорда белгиланган тадбирлар, шоира сайланма асарларининг нашр этилиши, мушоиралар, илмий, адабий анжуманлар ўтказилиши, замондошлари хотираларининг китоб ҳолида чоп этилиши замирида буюк муҳаббат ва эҳтиром нишонларини кўрдим. Очиғи, бошим осмонга етди. Биз учун гўзал байрам, яна бир имтиҳон, яна бир қарра устознинг барҳаёт руҳидан куч-қувват, илҳом олиш имкони тугилди.

Устозимнинг бутун ҳаёти, завоқли ижоди, шоғирдларига меҳру муҳаббати, тонг нуридай мусаффо вафо-садоқати кўз ўнгимда қайтадан жонланди. Ҳаётнинг тўфонли, бўронли йилларидан, оловли гирдобларидан, ҳижрон аланганларидан матонат билан ўтган Зулфиянинг жасоратга тўла умр йўллари яна бир қарра кино лентасидай ўта бошлади.

Кўкси тўла орденлару нишонлар, жаҳон мукофотлар соҳибаси бўлган шоира

Истиқлолнинг дастлабки йилларида — 1994 йили "Дўстлик" ордени билан тақдирланганида, жуда суюнган эди.

— Қанчадан-қанча мукофотлар, сийловларни кўрдим, лекин ҳеч бириси муштақил Ватанимнинг биринчи орденидай шодлантирмаган, — дегандилар устоз.

1995 йил май ойида Зулфиянинг 80 йиллик юбилеи миллий байрамга айланиб кетган эди. Адабиёт мухлисларига, халқимизга беҳад гўзал шодлик ва ифтихор туйғуларини бағишлаган, халқимизнинг қадру қийматини баланд кўтарган файзиёб кунлар эди у дамлар. Шоира 80 ёшида "Хотирам синиклари" дostonини эълон қилганида адабий жамоатчилик, номдор олимлар, саксон ёшда ҳам шунчалар ўтли, алангали дoston битиш мумкинми, деб ҳайратга тушгандилар. Зулфия пинҳона йўлларига кўз тутган Озодлик, Эркинлик, чинакам Хуррият келганидан ва уни кўришга, қутлашга муяссар бўлганидан бахтиёр эди.

Муносабат

Давоми иккинчи саҳифада.

ИЖОДИЙ, ИЛМИЙ ВАЗИФА

таржимонлар навоийшунос олимлар билан ҳамкорликда амалга оширилари зарур, деб ўйлайман.

Бир мисол. Грузин шоири Шота Руставелининг жаҳон адабиёти майдонига чиқишида ватандоши, академик Ш.Нуцубидзе (1888—1969)нинг хизмати катта бўлган. Олим мумтоз шоирнинг "Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон" дostonини грузин тилидан рус тилига профессионал таржима қилиш билан бирга, ўзининг "Шота Руставели ва Шарқ Тамаддуни" номи мазмундор монографиясини нашр эттирди. Дostonни К.Бальмонт, Н.Заболоцкий, П.Антокольский, Вл. Державин каби моҳир шоирлар ҳам рус тилига ўйрган бўлсалар-да, грузин олими амалга оширган икки нашр Руставели ижодининг жаҳон тилларига ўғирилиши ва ўрганилишига катта туртки берган.

Назаримда гарблик китобхонларга Навоий шахсияти ва бадиий меросини ҳар жиҳатдан пухта етказиб беришдек масъулиятли ижодий ва илмий вазифани бугунги талаб даражасида удаламоқ учун дастлаб атокли навоийшуносларнинг тадқиқотларини хорижий тилларга таржима қилиш керак.

В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Боровков, Х.Сулаймон, С.Иванов, А.Хайитметов, А.Рустамов, А.Қаюмов, С.Ганиева сингари олимларнинг Навоий меросини

Навоийни ўрганиш

ўрганишга бағишланган тадқиқотларини инглиз, немис, француз, хитой, япон ва бошқа чет тилларга ағдариб, нашр эттирмак лозим. Бу ишлар хорижда илм ва ижод аҳлининг Навоий мероси бадиий қиммати ва моҳиятини туб илдишларини чуқур англаб етишга қўмаклашди ва уларда шоир асарларини ўз тилларига таржима қилишга катта қизиқиш уйғотди.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

БАШАРИЯТ УЧУН БЕБАҶО ХАЗИНА

Буюк сиймоларимиз



Шу йилнинг 5-6 ноябр кунлари Бухоро вилоятида Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан "Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси — башарият учун бебаҳо хазина" мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Республика Фанлар Академияси олимлари, тиббиёт ходимлари, магистр ва талабалар ҳамда хорижий мутахассислар иштирок этишди. Шу кўни тадбир доирасида вилоят марказида Ибн Сино номидаги фавворалар хиёбонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган мазкур фавворалар мавжуд фавворалардан фарқли равишда ернинг устига қурилгани билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Хиёбондаги яна бир рангли-муслиқали фаввора ҳам ушбу маскан кўрмага кўрк қўшиб, кўзни қувонтириб турибди. Конференциянинг иккинчи кўни анжуман иштирокчилари Ибн Синонинг туғилган юрти Пешку туманидаги Афсона қишлоғида бўлибди. Қишлоқ тиббиёт коллежидоғилар билан учрашув ўтказди ҳамда Ибн Синонинг уй музейини томоша қилишди.

Ўз муҳбиримиз

Ўзбекистон ва жаҳон

ЭЛИМНИНГ ДЎСТИ — МЕНИНГ ДЎСТИМ

Кунларнинг бирида мени Ёзувчилар уюшмасига чақиришиб, "Кореяда корейс ва Марказий Осиё халқларининг болалар адабиётига оид форуми бўлар экан, маслаҳатлашиб кўриб, сизни юборишга келишдик", дейишди. Насиб экан, болалар учун чиқарилган неча-неча китобларга гўзалдан гўзал расмлар чизиб ном қозонган Галина Ли, фольклоршунос олим Ўрозали Тошматов билан биргаликда сафарга йўл олдик. Бу — умримда биринчи марта чет элга чиқишим эди.

Мана жаҳон андозаларига тўла жавоб берувчи Тошкент халқаро аэропортининг турли тиллардаги мулоқотлар янграб турган гавжум залида чиптани рўйхатдан ўтказяпмиз.
— Самолёт Ўзбекистонникими? — деб суриштирди бир қария.

— Йўқ, "Асиана айрлинес"га қарашли "Боинг"да учамиз, — деб жавоб қилди ўғли. — Нимага сўраяпсиз, дада?
— Ўзимизникини пишиқроқ дейишарди-да.
Қариянинг бу гапидан сўнг беихти-

ёр кўнглимдан бир ўй кечди: оддийгина туюлувчи бир жумла замирида нечоғли улкан миллий ифтихор ётибди-я!

Самолёт осмонга кўтарилди. Сизга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг ширин муомаласидан кўнглингиз кўтарилса, баланд — баланд булутлар орасида кетаётганингизни тасаввур қилишингиз билан қалбингиз энтикади. Тун бўйи парвоз қилиб, эрталаб Инчеонга қўндик. Бу шаҳарда ёшлар ўртасида Осиё уйинлари бошланаётган пайтлар эди, қанийди шу ўлкада узокроқ қолиб, лоақал футболчиларимиз иштирокидаги бирорта учрашувда уларга ишқибозлик қилиб ўтирсам, деб юрагим тошиқди, аммо, минг афсуски, сафаримиз қисқа, тадбир дастурлари ўта тигиз. Хайриятки, ёш тўптепарларимиз жаҳон биринчилигига йўлланма олишни менинг ҳайбаракаллалаб туришимсиз ҳам удалашди.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЭҲТИРОМ ВА МУҲАББАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиқлол оналари — гуриллалар ижтимоий фаолият майдонига чиқаётган ўзбек хотин-қизларининг овозини у ёлқинли шеърятига омухта қилди. Унинг зуваласидаги ҳаётпарварлик, меҳр-муҳаббат, Шарқ аёлларига хос одобу назокат, вафодорлик, она Ғумариснинг жасорати шоира ижодини тириклик нурларига чулғаб ётарди. Нур, кўёш, тонг, қўшиқдан қорилганди шеърларининг зуваласи. Шеърини иморати деразалари, дарвозаларидан ҳаёт шўъласи тараларди. Қадимдан ўзбек хонадонлари иморатларини кунга қаратиб, кунгай қуришни яхши кўрадилар. Тонгининг илк нурлари, кўёш ҳарорати бундай уйларнинг пештоқидан ўпади, ёруғликка чулғайди. Ҳаётнинг руҳфазо нафасларидан нурафшон қилади. Кўёшга очилган деразалардан қалбларга, уйларга умид ва қувонч ёғдулари қоришиб ётади. Офтоб, энг аввало, тоғлар қўққисини нафаси билан иситгандай Зулфияхоним шеърятини қасрини кўёш илоҳий нафасидан чароғон айлаган. Балки шу боисдир унинг сатрларида дард ёркин, эҳтирослар пўртанали, муҳаббат оташи жонни жизғана қилади. Ҳижрони йиғлатади, умидлари овутиди, бардошингизни қайроқдай қайрайди, маҳзун хаёллар аро келажакнинг қувонч ва қудрати балқиб туради.

Элим кўёш йўлини йўл деб билган халқ...
Қайларга элтиди бу кўёшнинг йўли?
Эзгулик, муҳаббат, келажак боғларига эмасми?
Тун зулматидан омон чиққан юраклар кўёш-ни она сўтидай сиғириб, қайта қувватга тўлмай-дими? Бу чин эътиқоддир, кундузнинг ҳиммати-га ишонқодир. Инсонни улғу ишларга, буюк меҳнатга рағбатлантирувчи некин овоз бу! Истиқлолдан анча йиллар олдинроқ у она халқига қўёшли кунларни соғинган эди, ҳушнуд кунларни илҳақ кутган эди.

Унинг овозида, устозлар айтганидай, муаззам Шарқ намоён эди. Унинг овози севги ва садоқатнинг, Оналик мартабасининг, дўстлик ва қардошлик, ирода ва матонатнинг, халқ қалбининг гўзал тароналари бўлиб жаҳон шеърятини-

нинг улғувор симфониясига қўшилиб кетганди.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия муҳаббати Тоҳир ва Зухра севгисидай халқимиз орасида афсонага айланиб кетганди. У биз — шогирдларига эътиқодда собитлики, шеърятга содиқлики, Ватанга жон-дилдан хизмат қилишни ўргатганди. У салмоқли ижоди билан адабиётлар ўрта-сида, эллар ва элатлар орасида олтин кўприклар қурди. Унинг табарруқ хонадони дунёнинг буюк ёзувчилари учун муқаддас Сўз ибодатхонасидай эди...

Мана, унинг буюк заҳматлари қадрига, халқининг кўзу кичирганда турибди. Мен уни соғинсам, Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳримизнинг сўлим гўшасида қад кўтарган муаззам ҳайкали пойига бораман. Баҳор бойчечакларидай ҳар йили баҳорнинг биринчи кунинда навниҳол Зулфияларни унинг атрофида қўриб ўзимда йўқ шод бўламан.

Йўлимга соғинч билан кўз тикаётгандай бўлади устоз. Хиёбондаги курсичаларда сўбатлашиб ўтирган ёҳуд Зулфия пинжига кириб сўвратга тушаётган қизларни қўриб юрагим энтикиб кетади. Улар Зулфиянинг буюк қалбидан ҳарорат олаётгандай, меҳри офтобига исинаётгандай туюлади. Шоиранинг улғувор, бироз ҳорин, бироз хаёлча сиймосида мангулик нурлари ўйнайди. Устозимнинг давр шамоллари емиролмаган, халқ хотирасидаги гўзал ёди билан гойибона сўхбатлашаман. Ботиний туйғу билан ҳис қиламан — замондан миннатдор Зулфиянинг ифтихор тўла овози қулоғимда жаранглайди:

**Эъзозлар,
Ардоқлар учун ташаккур.
Асли сиз офтобим,
мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дорилмомон, ҳур,
Баҳтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман!**

**Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири**

Акс садо

Йил 10 июн куни Юртбошимиз томонидан хотин-қизларга бўлган эътибор ва ҳурмат тим-соли бўлиб "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганди. Мазкур Қарор ҳам ўша улғу ишларнинг ёркин қўрилишидир. Бу биз "Зулфия қизлари"га катта ишонч ва масъулият юқлайди.

Кўксимда Зулфияхонимнинг сурати акс этган нишонни тақиб юганимда қанча фахр этсам, шунча масъулият борлигини ҳам ҳис этаман. Барчамизга яна бир бор адабиёт байрами қултуғ бўлсин.

**Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори**

АБАДИЙ ГУЛЛАР

Кутилмаганда бирор хушхабар эшитсангиз... қандай ҳолга тушасиз? Яна сиз ардоқлаб, юрагингизга сирдош-дилдош этиб юрган инсонингиз ҳақида бўлса-чи? Нима, юртимизда ҳар қуни байрам, ҳар қуни хушхабар эшитмай юрибмизми, дерсиз. Тўғри, мамлакатимизда ҳар қуни шодиёна. Бахтиёр замондошларимизнинг қувончи бардавом. Аммо шунинг алоҳида таъкидлашнинг истардимки, кейинги йилларда адабиётга қаратилган эътибор, бизни, аввало, адабиёт ихлосмандларини қувонтирмайди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ўша эътиборнинг бир қўрилиши бўлиб, мени навбатдаги хушхабардай тўқилантириб юборди. Дунёнинг истаган юртини кўринг, топинг, изланг — аёл шоир номи билан бериладиган мукофот бори-бори буюк қарор, аввало, адабиётга, Зулфияхонимга, умуман, ўзбек аёлларига, биз синга-

нинг ҳам шодиёнасида. Зулфияхоним ижоди ҳақида устоз шоиру адиблар кўп ва кўп гапирганлар. Юртимизда опанинг битта шеърини ёддан билмаган, лоақал бир сатрини хиргой қилмаган одамни топиш қийин.

ри ёшларга ҳам берилган эътибордир.

Озод ва обод юртимиз, айниқса, унинг истиклоли ҳақида гап кетганда, шоиранинг нурли юзлари, ҳароратли сатрлари ва гўзал сиймоси беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, у мустақиллик йилларида, айниқса, ёниб ижод қилди. Ўзидан ўтти сатрлар, бетакрор шеърлар қолдирди. Энг муҳими, ўзбек аёлига хос бир гўзал ҳаёт кечирганини устозларимиз кўп таъкидлайдилар.

Бугун овозимизнинг борица ҳайқиргим келиб кетади: "Ая, "Бу боғлар — бир боғлар..." бўлди. Шу аҳойиб боғнинг маликаси — сиз, сиздан бизга мерос бўлиб қолган бу гуллар абадий ифтор таратгусидир".

**Ситора ТОШМАТОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори,
ЎЗМУ талабаси**

Ҳазрат Навоийнинг "Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз" ҳикмати ҳамимиз биланми? Бу ҳикмат боғчаларда, мактаб, коллеж, ҳатто идораларда ҳам катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бироқ кундалик ҳаётда унга қай даражада амал қиламиз?... Бу саволга ҳар доим ҳам ижобий жавоб бериш

ган, деган наъноларни билдирди. Бунинг дарвозага урилган голга нима дахли бор? Футбол шарҳидан яна бир жумла: "Тўп футболчининг оёвига бўйсунмай, майдон ташқарисига қиқиб кетди". Қизик, копток футболчидан хафами? Олдинги таразда: футболчи тўпни тўхтатолмади, деса бўла-

ди-ку. "Дарвозабон ўз ўрнида", "Агар дарвозабон бўлмаганда... гол бўлар эди." Энди тасаввур қилинг, ўйин қизиган бир пайтда дарвозабон бемалол Холмат амакиннинг даласига келгандай айланиб юрибди. Ғалати эмасми? "Зарба ҳисобга таъсир ўтказолмади". Тўғриси, қанча ҳаракат қилмайлик бу жумлага тушунмадик.

"Футболчи иккинчи қаватда яхши ўйнади", "Футболчи майдонга қўлаб тушди", "Футболчи ёрдамга муҳтож", "Футболчининг битта сариги бор", "Ўйин кескин курашда остида ўтмоқда", "Орқадан тепди"... Шарҳловчиларимизнинг бундай бир қайновчи ичидаги сўзларини тушуниб олиш чиндан ҳам "чигал ёзди машқлари"дан-да машаққатли. Қайроили, лўнда гапирши мумкин-ку. Мужмал сўз юритишга не ҳожа?...
С. ТУРСУНОВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Автобуста Сариқ денгиз ёқалаб юра-юра, Қванжудаги Китоблар шаҳарчасига етиб бордик. Бу масканда қоғоз ишлаб чиқариш заводи, номдор наشريётлар, йирик босмахоналар, машҳур интернет порталлари марказлари жамланган бўлиб, Кореядаги китобларнинг асосий қисми шу ердан тарқалар экан. Қанча-қанча таниқли адиблар, рассомлар юртнинг турли гўшаларидан келиб, ҳамкорликда ижод қилишаркан.

Шаҳарча кутубхонаси ўзининг салобатидан кўра ўта са-

хоналарда етиштириларкан. Узумли иссиқхоналар кам, аксарияти қалампир, қарам, бақлажон, лимон ва турли кўкталар ўстириб сотишга мосланган. Деҳқонлар ер ҳайдаш, ўсимликларни парваришлаш, ўғитлаш сингари ишларни бажаришда зарур бўладиган трактор, ҳар хил техника ускуналарини махсус ижара муассасаларидан олиб, улардан фойдаланишни ўзлари қўйиллатишар экан.

Феъл-атвориға қарасангиз, корея деҳқонлари ўзбекнинг ўзгинаси: содда, самимий, тиришқоқ, меҳмонсевар. Қўноқликка кўнмасангиз, ҳеч бўлма-

пини тасдиқладим мен. — Корея ўзбекистоннинг энг ишончли дўстларидан бири. Шу тўғрисида керак, сени худди аввалдан танийдигандекман. Чунки халқимни кадрловчилар менга қадрида.

нима етсин.

Фарзандларимизда китобга бўлган қизқишларини орттириш мақсадида бир-биримизнинг энг сара, энг маъмурдор асарларимизни ўзаро алмашиб, китоб жавонларимизни

Ўзбекистон ва жаҳон

Бу форумнинг асосий мақсади маданий томондан ҳали етарли ўрганилмаган Марказий Осиё халқлари фольклорининг, болалар адабиётининг қўлима ва имкониятлари билан чуқурроқ танишиш экан. Кореялик мутахассислар фарзандлар тарбия-

турли миллатларнинг, биринчи навбатда, тутум ва удумлари азалдан яқин бўлган Осиё халқлари адабиёти намуналари билан тўлдира боришнинг аҳамияти бекиёсдир. Кореяларнинг афсонавий ва тарихий қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотларни сериаллар ёрдамида эмас, китоб орқали батафсил ўрганиш ўзбек болалари учун қанчалар фойдали бўлса, бизнинг ўтмишимиз ва бугунимиз ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлиш корея болалари дунёқарашини ҳам шунчалар кенгайтириши шубҳасиз. Зеро, болалар адабиёти катталар адабиёти дарёсини янги-янги ўқувчилар билан тўлдириб борувчи ирмоқлар ҳисобланади. Ирмоқларнинг йўлига тўсик тушгани сайин, дарё ҳам саёз-


сида эришилаётган ютуқларини фахрланиб тилга олиш билан бирга, маҳаллий ноширларни баъзи бир ҳолатлар жиддий ташвишга солаётгани, яъни 2008 йилдан бошлаб болаларга китоб

са битта хурмо ўзиб едиргиси келади. Уларнинг иссиқхонада ҳосил етиштириш тажрибасини чуқурроқ ўргангилар келди-ю, бунга вақт етмади. Экинзорлар орасида кенг-кенг уватлар бўлиб ётганидан юрагим хитлабди ҳар бирдан кун ора йигирма-ўттиз коп бодринг ўзиш мумкин бўлган анави ерлардан нега фойдаланмаёйсизлар, деган саволимга бир деҳқон гоҳ менга, гоҳ таржимонга қараб жилмайганича елка қисиб қўйди холос. Буларнинг баъзан саёхатга жўнатиб, лоақал Олтиариқ ё Паркент, Иштихон ё Марҳаматда деҳқонларимиз ердан қандай фойдаланётганини бир кўрсатиб қўйиш келмакка ўхшайди, деб ўйладим ичимда.

Ҳатто тадбир доирасида делегациямизни корея фольклор ансамбли концертига тақлиф қилиб қолишди. Бизда икки юз мингдан зиёд корея яшайди, уларнинг биргина Тошкентда эмас, кўпгина вилоятларда ҳам маданият марказлари, барча марказларда фольклор ансамбли бор, ҳеч бири сизларникидан қолишмайди деб, яқинроқдаги бир-иккита дўконга кириб чиқишга руҳсат сўрадим. Бу юртга келиб қилган биринчи ханининг четлари ёйимон эгик уйлар ўзгача манзара касб этиб туришини ҳисобга олмганда, хонадонлардаги ёғоч келилар, сопол идишлар, йўлак ёқалас экилган гул-чечаклар, қийғос мева тугиб турган хурмо ва анорлар беихтиёр она маконимизни эслатади. Далаларнинг таровати ҳам таниш: дарахтларнинг ораси ўтлардан қир-тишлаб тозаланган катта-кичик боғлар, катта-каттак марзали шоліпоялар, қаторлашиб турган иссиқхоналар, ишқомларда осилиб ётган ошқовоқлар...

Ҳа, бу ерларда ошқовоғу томошақовоққа алоҳида илтифот кўрсатилиб, уларга атайин сўриток қуриб қўйишаркан, узумлар эса, ҳарорат етарли бўлмагани боис, фақат иссиқ-

— Бу маълумотларни манави кўл телефонимдан излаб топдим, — дейди Южин. — Ўзбеклар бизнинг жуда яқин дўстимиз экан. Энг қувонарлиси кўпгина урф-одатларимиз, одоб-ахлоқ, фарзандлар тарбиясига оид қарашларимиз деярли бир экан. — Тўғри айтдинг, — деб га-



чиқариш қамая бориб, ўтган йилнинг иккинчи ярмида чоп этилган бадиий китобларнинг атиги беш фоизини ташкил қилганини хавотирланиб қайд этишди. Мавжуд китобларнинг ҳам қарийб элли фоизи асосан Америка, Япония ва Европа мамлакатлари тилларидан кореячага ўғирлиб асарлар экан. Бадиий китобларга болаларда қизиқиш қамайиб, интернетда соатма-соат бодроқланаётган, аксариятининг мазмуни саёз, лекин беағи қойилмақом комиксларга тобора маҳлиёланиб бораётгани, бу тармоқда қунига (ха, қунига!) юз-дан ортиқ янги комикслар пайдо бўлаётгани, уларнинг талай қисми жангариллик мавзусида экани қимми ҳам ташвишга солинаётган дейсиз.

Буларни эшитиб туриб, бизнинг юртимизда фарзандларимизни "оммавий маданият" хуружидан асраш чоралари қўрилиш масаласига жамоатчилик алақачон алоҳида диққат билан қараб, тўғри иш қилаётганини ҳис этдик. Ҳар қандай нохушликнинг вақтида олдини олганга

ланаверади. Минг шукрки, Ўзбекистонда бу ирмоқлар қунма-қун жўшқинлиб бормоқда. Уларнинг энг тотлиларидан, мустақиллик шарофати ила дунёга танилиб ва дунёни таниб боришимизга кенг имконлар пайдо бўлгани сайин, бутун оламдаги дўстларимиз тобора қанчалар асарлар экан. Бадиий китобларга болаларда қизиқиш қамайиб, интернетда соатма-соат бодроқланаётган, аксариятининг мазмуни саёз, лекин беағи қойилмақом комиксларга тобора маҳлиёланиб бораётгани, бу тармоқда қунига (ха, қунига!) юз-дан ортиқ янги комикслар пайдо бўлаётгани, уларнинг талай қисми жангариллик мавзусида экани қимми ҳам ташвишга солинаётган дейсиз.

Буларни эшитиб туриб, бизнинг юртимизда фарзандларимизни "оммавий маданият" хуружидан асраш чоралари қўрилиш масаласига жамоатчилик алақачон алоҳида диққат билан қараб, тўғри иш қилаётганини ҳис этдик. Ҳар қандай нохушликнинг вақтида олдини олганга

**Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири**



аксарияти йиллар давомида бир хил дастур намоиш қилиб келмоқда. Баъзи ҳолларда урф-одатларнинг нотўғри талқин қилиниши, халқимиз томонидан азалдан ижро этиб келинаётган қўшиқлар матни бузиб ижро

этилиши ҳоллари кузатилаётир. Худудларга хос фольклор асарларини излаб топиш, миллий аъёналарга мос қўшиқ, лапар, рақс, халқ қуйларини репертуарга киритиш, маросим ва удумларнинг саҳ-

ўтказилган "Истиқлол даври фольклор санъатининг долзарб масалалари" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ана шу масалалар доирасида фикр юритилди. Шунингдек, тадбирда 2015 йили бўлиб ўтадиган Наврўз умумхалқ байрамига муносиб ҳисса қўиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига аждодлар меъросида юксак эҳтиром, миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини ошириш борасида

Тадбир

ХАЛҚ АЙТГАНИ — ХАЛҚ БИЛАН

Истиқлол йилларида ўзбек фольклор санъатининг ранг-баранг жанрларини ўрганиш, йўқолиб бораётганларини тиклаш ва халқ оғзаки ижоди аъёнларини кенг тарғиб қилишга алоҳида аҳамият қаратилди. Миллий қадриятларимиз бардавомлигининг тимсоли бўлган Наврўз умумхалқ байрамнинг республика миқёсида кенг нишонланиши шарофати ўлароқ фольклор-этнографик ансамбллар фаолияти жонланиб, янги бадиий ҳаваскорлик жамоалари шаклланди.

Сўнгги йилларда ўтказилаётган кўрик-танлов ва маданий тадбирларда фольклор жамоалари иштирокини қузатиш, фаолиятини ўрганиш шунинг кўрсатадики, уларнинг

навий талқинларини яратиш ишларига етарли эътибор берилмаётган эди.

Бугунги кун эса ҳаваскорлик жамоаларининг дастурларини энг сара асарлар билан бойитиш, худудларга хос қадимий маросим қўшиқлари ва рақсларни дастурларга киритиш, соғлар ва саҳна либосларига жиддий аҳамият қаратиш, махсус мутахассислар, дизайн-ерлар билан ҳамкорликда ишлаш, ёш ижрочиларни кенг жалб этиш зарурлигини талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази ҳамда санъат ва маданият институти ҳамкорлигида

амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари олимлар ва соҳа мутахассисларининг фольклор жамоаларининг бугунги ҳолати, ижрочилиқнинг ўзига хос жиҳатлари, либослар, жамоа раҳбарларини тайёрлаш масалалари, фольклор санъатида аъёна ва замонавийлик тамойилларига бағишланган маърузаларини тингладилар.

Тадбир давомида намунали фольклор-этнографик жамоаларнинг мусиқий дастурлари намоиш этилди, вилоятлар фольклор ансамбллари бадиий раҳбарлари учун маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Ўз ахборотимиз

ЧУСТИЙ

КИШИ НОМУСИ,
ВИЖДОНИ ВАТАНДИР

Хўжаев Набихон — Чустий 1904 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган.

Тирик сатрлар

Атоқли шоирнинг бегараз меҳру муҳаббат, севги ва садоқатни малҳ этувчи, инсонларни ҳамиша эзгу орзу-умидлар билан яшашга, шунингдек, ҳалоллик ва меҳнатсеварликка, мардлик ва жасоратга даъват этувчи ғазаллари мушоиралар, учрашувлар, тўю томошалар ва йиғинларда баралла куйланарди. Унинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар эса санъатимиз бойлиги сифатида миллатимизнинг унутилмас мумтоз қўшиқлари қатори Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Расулқори Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Коммуна Исмоилова, Нейматжон Қулабдуллаев каби атоқли ҳофизларимиз репертуаридан жой олди. Чустий 1959 йилдан умрининг охиригача ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг таржима бўлимида моҳир таржимон ва илмий ходим сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин Чустий ижоди ҳам кенг қўламда юзага чиқди. 2004 йилда шоир таваллудининг 100 йиллиги муносиб нишонланди. Кундалик матбуот саҳифаларида шоир ижодидан намуналар мунтазам равишда чоп этилиб, унинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар деярли ҳар куни радио ва ойнаи жаҳон орқали янграй бошлади. Девонлари чоп этилди.

Куйида Чустий ижодидан айрим намуналар берилаетир.



Агар бўлса ватан булбулга гулшан,
Менинг қўнглим гулистони Ватандир.

Эрур Чустий Ватан ошиқларидан,
Ажойиб шеър у дostonи Ватандир.

КИМ ЕТДИЮ,
КИМ ЕТМАДИ

Бу зафар дунёсига ким етдию, ким етмади,
Мақсадин маъносига ким етдию, ким етмади.

Қонлари гул бўлди ҳурлик қасрининг деворига,
Бу бино оросига ким етдию, ким етмади.

Ҳар бир инсон борки, унда турли-туман орзу,
Орзусин ашёсига ким етдию, ким етмади.

Ҳамсафарларимиз бу йўлда барчамиз олин-кейин,
Гулшанин зебосига ким етдию, ким етмади.

Баъзи-баъзи дилрабо етди ўзин шайдосига,
Ёри бепарвосига ким етдию, ким етмади.

Баъзилар тоғлар кесиб, чўллари бўстон этса ҳам,
Ширину дилосига ким етдию, ким етмади.

Илму дониш мактабин фаҳм айлаганлар беҳисоб,
Илмининг авлосига ким етдию, ким етмади.

Бир улуг давронга етдикким, бунинг тисоли йўқ,
Даврининг аълосига ким етдию, ким етмади.

Қарзимиздир етмаганлар руҳини шод айламак,
Бу фикр ижросига ким етдию, ким етмади.

Чустий, шукр айла, қондирди сени Баҳрун-нажот,
Бу шараф дарёсига ким етдию, ким етмади.

КИМ КЕЙИН,
КИМ ИЛГАРИ

Барчамиз бу йўлда, аммо, ким кейин, ким илгари,
Билмаган ҳеч қайси доно ким кейин, ким илгари.

Гоҳи ой олдин ботар, гоҳи қуёш ундан бурун,
Бу қизик олатли дунё, ким кейин, ким илгари.

Сев ҳаётингни, азизим, майли унга меҳр қўй,
Лек мағрурланма асло, ким кейин, ким илгари.

Барча ҳам кетмай яшашни доим айлар орзу,
Бу фақат дилда таманно, ким кейин, ким илгари.

Умримиз худди оқар сувдек оқиб бормоқдадир,
Етгуси манзилга, ошно, ким кейин, ким илгари.

Кексаму, соғму, касалму, ёшму, билмас кетмоғин,
Бўлмаган ҳал бу муаммо, ким кейин, ким илгари.

Охиратдан беҳабар ҳар бир маломат аҳлини,
Солгуси қалбига ғавго "Ким кейин, ким илгари".

Балки кетмасман демасдан юрту элни рози қил,
Менму ё сенму, мабодо, ким кейин, ким илгари.

ОЛАМДА ЙЎҚ

Эй Ватан, чексиз гўзаллик сенда бор,
Оламда йўқ,
Бошқа бир сендек латофатли диёр оламда йўқ.

Бошладик ер Тоҳири бирлан сулув Зухро тўйин,
Базмимиз авжида, бундай "Ёр-ёр" оламда йўқ.

Лола, сайлига чиқибдиур, тоғларда жолдузларча,
Сендаги осмонлар кенг олинзор оламда йўқ.

Қишда ҳам боғинг чаман, халқинг юзи гулгун ёнур,
Иқлимингдан ўргулай, сениз баҳор оламда йўқ.

Ошиқинг шундай кўпайганки, кўпаймоқда яна,
Омадинг бор, омадинг, бундай барор оламда йўқ.

Таъриф у васфинг учун ою қуёш икки китоб,
Ушбу ўткир қўзларингдек жилвадор оламда йўқ.

Қанча мактаб, қанча куйлаб, қанча севса шунча кам,
Сенда ўсган Чустий севган ёри бор, оламда йўқ.

КЎНГЛИМ
ГУЛИСТОНИ

Киши номуси, виждони Ватандир,
Буюк қалбиди нймони Ватандир.

Ватаниннг жонидир севгучи авлод,
Шу авлодин ширин жони Ватандир.

Ватан ҳар бир чиройлидан чиройли,
Ҳақиқий ишқ майдони Ватандир.

Ватан ҳажрида юрган хасталарини,
Қилдирган дори-дармони Ватандир.

Эрур сувсиз балиқ янлиғ ватансиз,
Кишининг талда соф қони Ватандир.

Жаҳонда бўлса машҳур ҳар йигит-қиз,
Унинг бу шухрати, шони Ватандир.

Бошин осмонга етказган мураббий,
Азиз дўсти, қадрдони Ватандир.

Авайлаб тарбият қилгучи она,
Кўзин нури-ю, дармони Ватандир.

Шамсиддин САДОИЙ

ХОКИ ПОЙИНГ ЎПАЙ

Балким, денгизларни кечиб ўтарсан,
Балким, қанот боғлаб кўкка етарсан.
Балким, кўкдан ўтиб бадар кетарсан,
Фақат кетиб бўлмас кечиб Ватандан.

Балким, Ҳиндиқушга тикарсан ялов,
Балким, ойга чиқиб ёқарсан олов.
Балким, арш кетарсан товбага бирров,
Фақат кетиб бўлмас кечиб Ватандан.

Кечарлар хонидан, беюз сотқиндан,
Кечарлар бевафо, айёр зотиндан.
Кечарлар мартаба, молу олтиндан,
Фақат кетиб бўлмас кечиб Ватандан.

Кимнинг қарзи бўлса кечарсан балким,
Кимнинг нарзи бўлса кечарсан балким.
Кимнинг айби бўлса кечарсан балким,
Фақат кетиб бўлмас кечиб Ватандан.

Бухорий жойнамоз ёзган бу юртдан,
Темур дунёларни тузган бу юртдан.
Юртбошинг кафтида тутган бу юртдан,
Фақат кетиб бўлмас кечиб Ватандан.

Ватан, бўйларингга бўлай садаға,
Хоки пойинг ўпай, шукр Худоба.
Садойи, кетсанг ҳам дорулбақоға,
Фақат кетиб бўлмас кечиб Ватандан!

ШЕЪРИЯТ

Уфқ деди бир кун: «Меним жўн бўшлиқ? —
Қара, менда сеҳрли ранг, жаранг бор!»
Қарадиму, илк бор айтдим мен қўшиқ —
Ойдек сулув, худди кундек жарангдор.

Сўнг хаёлан юрт ёларин қийратиб,
Кечмиш бўйлаб қилдим неча зўр жанглар.
Тарихимни булбул каби сайратиб,
Қаламимдан учиб чиқди оҳанглар.

Мен замоннинг манглайдиган гоҳ ўпиб,
Келажакнинг сочларини силадим.
Сўз йўлида гоҳ йиқилиб, гоҳ қўпиб,
Яратгандан фақат сени тиладим.

Баъзан, нетай, оларимни олдиридим,
Бирок яниб, зўр бермадим тишларга.
Сўз йўлида гоҳ йиқилиб, гоҳ қўпиб,
Кўкрагимни очиб бориб қишларга.

Сени дея ширин қадаҳ гоҳ синиб,
Тўлди аччиқ шаробларга бу жомим.
Лекин севдим, сени севдим юқиниб,
Қийноқлардан топган менинг оромим!

ОЙБЕК ВА НАВОИЙ

Ўзбекистон Ойбек билан хайрлашган кун
Мангуликдан бир лаҳзага келди Навоий, —
Тирикларга сездирмасдан силади беун,
Ойбегининг манглайини руҳи самовий.
Сўнгра уни олиб кетди босиб бағрига
Абадиёт деб аталган руҳлар шаҳрига.

ШОИРЛИК
МАНЗАРАПАРИ

Эркин ҳаёт бўлиб ўртоғим,
Мактабимдан чиқдим сафарга.
Ўралишиб йўлга оёғим,
Келиб қолдим улкан шаҳарга.

Йиллар ўтди. Шоирман. Бирок
Ҳар тун мега бўлади меҳмон
Таржиман ҳолдаги қишлоқ,
Юлдузлари куйлаган осмон.

Улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино етти иқлимга машҳур ва маълум алломалардан ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми — Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али. Абу Али Ҳусайн 980 йили Афшонада туғилади. Ўз даврининг етук олимларидан бўлган Абу Абдуллоҳ Нотилий ва Исмоил Зоҳид қўлида мантик, фалсафа, фикҳ ва риёзиёт асосларини ўрганади, 10 ёшидаёқ Қуръони каримни ёллаб, сарфу наҳв ва адаб илмини ўзлаштириб олади.

Ушба кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим", деб ёзади таржимайи ҳолида аллома. Кейин тиб илми билан қизиқиб, қисқа бир муддатда бу соҳада барча табиблардан-да ўтиб кетади. Тиббиёт борасидаги муваффақиятлари тўғрисида у "хатто билимдон табиблар ҳам келиб, хузурида тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар", деб эътироф этади. Бухоро амири Нух ибн Мансури давлаганидан кейин унинг шухрати ошиб кетади.

Оламшумул тиббий асарлари туфайли Фарбда Авиценна номи билан донг таратган буюк ватандошимиз Шарқда кўпроқ забардаст файласуф сифатида машҳур бўлган. "Шайх-ур-раис" — "Донишмандлар сарвари" фахрий унвони ҳам, аввало, унинг буюк файласуфлигига ишора қилади.

Турли манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асар ёзгани қайд этилади. Лекин бизгача бу муаззам меросдан 160 таси етиб келган. Шундан 80 таси фалсафага, 43 таси табobatга, қолганлари мантик, психология, тиббиёт, астрономия, математика, кимё, музыка, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка оид. Маълум бўладики, алломанинг фалсафий мероси тиббий мавзудаги асарларига қараганда қарийб икки баравар кўп.

Ибн Сино санъаткор шоир, етук тилшунос ва нуктадон адабиётшунос ҳам ҳисобланади. 1000 йилда Бухорода ёзган "Ал-мазмўъ" (кейинчалик "Ал-ҳикмат ал-арузия" номи билан машҳур бўлган) тасирасидаёқ аруз масалаларини кўпчун рақислар олимнинг адабий қарашлари Аристотел ва Фарабий тасирида шаклланган. У Аристотелнинг "тасвирлаш", воқеликни "қайтадан яратиб" ҳақидаги қарашларини шарҳлаган ва ривожлантирган, бадиий тўқиманинг ижоддаги аҳамиятига кенг тўхталган, антик адабиётдаги адабий жанрлар, хусусан, фожиа жанрининг батафсил тав-

Абдулла ШЕР

КЕЛАЖАКНИНГ
СОЧЛАРИНИ СИЛАДИМ

2.

Ҳануз шеър ёзишни билмайман.
Миртемир

Фаслин излаб, гоҳ телбанамо,
Кузда мева туккан олмадек,
Шоирликни ўргандик, аммо,
Шеър ёзишни ўрганолмадик.

Қичқирганда бир сўзни томоқ,
Ўзга сўз деб юрак патрлар.
Қалбда, гарчанд, яшаса ҳам оҳ,
Қулиб турар бизнинг сатрлар...

Эшитмаймиз: гичирлаб эшик,
Аста чиқиб кетади илҳом...
Қаердадир чинқираб бешик,
Юлдузларни тўсиб турар том...

3.


Ўту чўққа урмай ўзимни
Тинч яшамоқ истайман бутун;
Гулханлардан олган сўзимни
Жой излайман яшироқк учун.

Лекин уни қўйингга солсам,
Куйдиради юрак-бағримни,
Чилмасдан сутуриб олсам,
Айта бошлар ул сўз «сим-сим»ни.

Шунда дафтар очилиб ногоҳ,
Варақларга қирав олов-нур.
Унга боқиб, бўламан огоҳ:
Ўтинсиз ҳам ёнаркан умр.

БИРИНЧИ ШЕЪР

Бу дунёнинг оқу қораси
Илк бор ҳар хил кўринган маҳал
Кўкдан тушиб сўзининг сараси,
Ватанимга бахш этдим ғазал.



Ва келажак даричасини
Ланг очдим, саволларимга,
Ўзбекистон харитасини
Қоқиб қўйдим хаёлларимга.

НУР

М.Абдулҳаким хотирасига

Гоҳ туллар дуқиллар, билмайман, нима, —
Юракми, эшикми?! Уйғотган у ким?
Гўё бўронларни сонинган кема
Остонам олдида чайқалади жим.

«Мен руҳман, — дейди у, — шоир руҳман,
Умид узайтирди узилган жонни;
Мангуберди ёққан гулхан чўғиман,
Нур бўлиб кучаман Ўзбекистонни!»

Абдулла ШЕР 1943 йили туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини ва Москвадаги Олий адабиёт курсини тамомлаган. «Кўкдам табассуми», «Алёр», «Тоқат», «Ёмғирлар оралаб», «Гул йиллар, булбул йиллар» сингари шеърый тўпламлари чоп этилган.

Кўзимни узокқа югуртдим шунда:
Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,
Гиппократ, Ибн Сино, Ибн Рушд пайдо —
Янги ғояларни тарғиб этган чин.

Жовани Боккаччонинг "Декамерон" асарида Ибн Сино образи буюк табиб сифатида яратилган. Европа Уйғониш даври миниатюраларида Ибн Сино Аристотел, Гален, Гиппократ, Птолемей, Эвклид каби юнон олимлари билан бир қаторда тасвирланган. Усмиликларни илк бор тасниф этган Карл Линней ҳамиша кўм-кўк бўлиб яшаб турувчи бир ўсимликни унинг шарофига "Авиценния", деб атаган.

Ибн Сино араб ва форс тилларида қасида, ғазал, қитъа ва рубоийлар ёзган ҳассос сўз устасидир. Афсуски, унинг адабий мероси бизгача тўла етиб келмаган. Бадиий асарларининг тадқиқотчилари ҳозирча 46 рубоий, 4 ғазал, 5 қитъа ва 2 байт шеърни Шайх ур-раис қаламига мансублигини айтдиладар.

Қомусий олим Олам ва Одам ҳақидаги илмий-фалсафий қарашларини биринчи бўлиб шеърятга сингдирди. Хусусан, рубоийларида унинг теран илмий фикрлари, кенг фалсафий мушоҳадаларини кўра-миз. Файласуф олим сифатида у Оллоҳ ва олам, Оллоҳ ва одам, олам ва одам муаммолари, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти,

шахс ва жамият муносабати борасида теран тафаккур юритган.

Алломанинг салафлари ва замондошлари, жумладан, Абу Абдуллоҳ Рудакий рубоийларининг асосан ишқий, Шайх Абусаид Абубхайр рубоийларининг эса тасаввуфий мазмунда эканлигини назарда тутсак, том маънодаги фалсафий рубоийлар дастлаб Абу Али ибн Сино ижодида учраши маълум бўлади. Бинобарин, ўз рубоийлари мисолида у Шарқ сўз санъатида чинакам фалсафий шеърятини бошлаб берди. Кейин ўзини Шайх ур-раиснинг ҳароратли шоғирди, деб ҳисоблаган Умар Хайём теран фалсафий рубоийлар яратиб, бу жанрнинг устодига айланди, рубоийни жаҳон сўз санъатининг етакчи жанрларидан бири қаторига олиб чиқди.

Куйида аънавий — арузнинг ҳазахи мусаммани ахраб ва ахрам вазнларида ёзилган Абу Али ибн Сино рубоийларидан янги таржималаримиз билан танишасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоиди

Абу Али ибн СИНО

РУБОУЙЛАР

Кўк тоқигача ер қаъридан асли азал
Ҳар қанча тугун бўлса, ақл айлади ҳал.
Ҳар мақру фириб бандини ечасам-да тутал,
Қўнглимда тугун бўлиб фақат қолди ажал.

Сўз қолмади парда ичра ҳеч маълум эмас,
Дунёда бирор сир мен учун маълум эмас.
Мен маърифатингда кўп тафаккур қилдим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

Май мангулик бахш этар эмиш, қуй соқий!
Қўнглингда хузур етар эмиш, қуй соқий!

Куйдирса-да ўт каби, ғамингни аммо
Сувдек оқибди кетар эмиш, қуй соқий!

Дил дунё биёнида оз чопган эмас,
Қўп билса-да, ўз нуқсини ҳеч ёпган эмас.
Қўнглимда агарчи минг қуёш парлар эди,
Охирда камолга зарра йўл топган эмас.

Май мастга ёву ҳушёр учун ёр бўлади,
Оз бўлса шифо, қўп захри мор бўлади.
Қўп бўлса, унинг зарари бор озгинаю,
Оз бўлса, унинг манфаати бор бўлади.

Дедим: не сабаб булут каби гирёнман?
Деди: шу учунки, мен гули хандонман!

Дедим: нега сени кўрмасам нолонман?
Деди: шу учунки, сен — тану мен — жонман!

Эй нафс, қилдирганинг мудом ҳою ҳавас,
Ўзингни ҳимоя қилгали шош бу нафас.
Дунё дема, қўй ҳийлави, мансаб тилама,
Душманлик ишинг ҳамиша, ҳеч дўстлик эмас!

Эй қуёш, борми сен каби оламгард,
Лутфинг аяма, мен-да йўловчиман мард.
Ишқ йўлида кўрдингни яна бир кишини,
То юзида шунча гарду кўнглида-чи дард?

Умрининг ўзи икки нафас, ёй одам,
Тўхтам нима билмас у шамолдек бир дам.
Умрининг асосини шамолдек бердинг,
Бўлгани шамол асоси ҳеч мустаҳкам?

БИР БАЙТ БАЛОФАТИ

Қоғозга тушганидан буён мақом нолаида ижро этилиб келинаётган улуг' сўз даҳоси меросига оид машҳур:

*Кўзунг не бало қаро бўлбтур
Ким жонга қаро бало бўлбтур —*

матлаъли ғазал яхлит ҳолида Навоий қаламига мансуб эмас. Унинг юқорида тилга олинган биринчи байтини улуг' шоирнинг яқин шогирдларидан бири Мирзобек исмли ёш ижодкор битган.

Бу ҳақда «Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи фаслида ушбу иқдорни ўқиймиз: «Мирзобек инсоният ва ҳуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм, отару тутарда бу икки мулк йиғитлари аросида саромади замона бу навъ таърифлардин мустағний...». Шундан сўнг Навоий ғазалнинг матлаъсини келтириб, унинг қўш ва тескари қофия тури билан зийнатланганини, уни давом эттириш ёхуд унга ўхшатма ёзиш анча душворлигини таъкидлайди. Қизиги шуки, Мирзобек шу ва шу каби байтларни кўп битса-да, негадир уларни тамомига етказмаган. Кўп ҳолларда чала қолдирган ёхуд якунига етган ғазалларни ҳам асраб авайлаш заруриятини кўп ҳам ҳисобга олавермаган. Шу билан бирга ўша даврда мустаҳкам ижодий таомилда бўлган баёз ёки девон тузиш тажрибасига ҳам майл кўрсатмаган. Навоийнинг мана бу маълумоти шу фикрни тўла тасдиқлайди: «Агарчи онинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди. Бу матлаъин фақир тугутуб, анинг ёдгори учун девонда битибмен...».

Демак, Навоий матлаъни шогирдининг хотираси учун тугал ғазал

ҳолига келтирган ва девони таркибига киритган.

Маъно ва шакл, оҳанг ва ички шеър ўлчовлари нуқтаи назаридан ғоят гўзал зийнатланган ўша байтни худди шу поэтик мезонлар асосида изчил давом эттириш, якунига етказиш чиндан ҳам,



Чинқиз Аҳмадов. «Буюроча рақс»

Навоий айтмоқчи, маҳолдир. Буни фақат зукко табъ аҳлигина урдалаши мумкин. Юқоридаги иқтибосдан маълум бўлганлики, Мирзобек қанча ақл-идрок ва фаҳм-фаросат эгаси бўлмасин, ўз ижод намуналарига бепарво бўлган. Бу ҳодиса, табиийки, Алишер Навоийга маъқул тушмайди. Улуг' шоир Мирзобекка бир неча бор танбех берса-да, афтидан, унинг феълларида бепарволикни бартараф этолмаган кўринади.

Навоийшунослар Мирзобекнинг асли самарқандлик эканини, Навоийга ва унинг устози Сайид Ҳасан Ардашарга фарзанд қадар азиз ва мўътабар йиғит бўлганини айтишган. Хар ҳолда ёш йиғитнинг бевақоти Навоийни анча қайғуга қўйган.

Навоийнинг илк девони мундарижасидан ўрин олган мазкур ғазал ўша давр ҳофизлари томонидан нафис мажлисларда севиб ижро этилган. Ғазалнинг мусиқий ижроси ҳанузгача давом этиб келаётгани бежиз эмас. Зотан, шу ўринда асарнинг поэтик тақомилини, маъшуқа хусну латофатини тараннум этишда шоирнинг бошқа ғазалларидан тубдан фарқлигини, ички ва ташқи қофияланишидан ташқари акс ва тазод санъати заминига асосланганини, уни дарж этишда Навоий Мавлоно Лутфий тажрибаларидан озукланганини таъкидлаш жоиз. Мирзобек байти гўзал бир ғазал яратилишда туртки берган бўлса, Навоий ғазали ўзбек лирикасида бир неча муҳаммаснинг юзага келишига замин ҳозирлади. Бу ғазалга дастлаб XIX аср Хоразм адабий муҳитининг етуқ наомандаларидан бири Аваз Ўтар муҳаммас боғлаган эди.

Тилга олинган ғазал асосида истиқлол даври шеърлигида бир эмас, тўрт

тахмис юзага келган. Шоир Ошиқ Эркин, 77 ёшда «Дил садолари» номли кичик девон тузган самарқандлик шоир Саид Наби Воқиф, таниқли адиб ва шоир Омон Мухтор ҳам ушбу ғазалга муҳаммас боғлаган ва матбуотда эълон қилишган.

Эътибор ва эътирофга молик мазкур муҳаммасларда издошлик мезон-

Навоий гулшани

ларига изчил амал қилинган. Тахмисларнинг бирортасини ҳам заррача қаситмаган ҳолда бир оддий ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Мазкур тахмислар орасида Навоий тилга олган «кўзи не бало қаро»нинг жабру зулмини янада ёрқин ва таъсирли ифодалада қуйидаги мисралар муаллифи алоҳида маҳорат кўрсатган:

*Ким қонинга мубтало бўлбтур —
Ул икки қилич аро бўлбтур,
Дил ичра икки яро бўлбтур,
Кўзунг не бало қаро бўлбтур
Ким жонга қаро бало бўлбтур.*

Бу ерда гап зинҳор «икки қилич» ёки дилининг «икки яра»си ҳақида бораётгани йўқ. Тахмисчи ўзига хос рамз ва тимсоллар орқали ошқининг маънавий ва жисмоний суратини тасвирлашга эришган. Бу каби нозик ифода бирликларини тахмиснинг бошқа ҳар бир бандида алоҳида кузатиш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, юзага келган муҳаммасларнинг бирортаси ашула ҳолида ижро этилмайди. Эҳтимол, бу беназир тахмисларнинг давр мақомчилари эътиборидан четдалиги билан изоҳланар. Аммо XV аср шароитида Мирзобек битган байт ва сўз даҳоси интихосига етказган ғоят гўзал ғазал яратилганидан буён мумтоз мақом жўрлигида ижро этилиб мухлислар кўнглига завқ бағишлаб келмоқда.

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

ҚАНДАЙ ЁЗМАСЛИК КЕРАК

Тез-тез сўз санъатидаги дурдона асарнинг табиати борасида баҳс-мунозаралар бўлиб туради. Агар адашмасам, Пол Валери чинакам дурдона асарни қуйидаги хусусиятидан шак-шубҳасиз билиб олиш мумкин деган, яъни бундай асарда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Чинакам дурдона асар жуда мукамал қурилган бўлади, унда ҳаракат тўхтовсиз ривожланиб туради, ундаги ҳамма нарса, ҳатто зиддиятлар ҳам ҳайратланарли даражада яхлитлик қасб этган бўлади; тўқимада хом, салқин иплар учрамайди, у муҳташам тарзда яратилган, мумтоз шаклга эга бўлади. «Бовари хоним» — дурдона асарнинг юксак намунаси.

Андре МОРУА

Шоирни бўлмаган халқ мисоли рўҳсиз тана.

Габриела МИСТРАЛ

Ёзиш ва профессионал ёзувчи бўлиш мутлақо бошқа-бошқа нарса. Мен шеърлар, кичик-кичик ҳикоялар ёзишни жуда эрта бошлаганим, аммо ҳақиқий ёзувчи даражасига урушдан кейинги йилларда етиб келдим.

Генрих БЕЛЛ

Ёзишни хоҳлаган асарингни ёзилиши зарур бўлган асарга қурбон қилишни билиш керак.

Раул ДЮРФИ

Сўз туйғуси, нутқ оҳанглари ва ранглари ҳис этишни шеър ўқиш ва яхши проза асарини мутолаа қилиш орқали ўстирсан бўлади, аммо бу хусусиятлар, яхлит оҳангда, тўғма дид ва мусиқий туйғуга боғлиқ... Ҳеч ким ёзувчини ҳаётни бундай кузатмаслиққа ва бундай ҳис этмаслиққа, балки бошқача ҳис қилиб, бошқача қўришга мажбурлай олмайди. Ўқиш ва ёзишни ўрганганидан сўнг ижодкор бошқалардан фақат бир нарсани, яъни қандай ёзмаслик кераклигини ўрганмоғи мумкин. Ёзувчининг ҳақиқий устози ҳаётнинг ўзидир.

Жон ГОЛСУОРСИ

Ёзув санъатига мурожаат қилган, бирор сабаб билан қалам тебратган ҳар қандай одамни «ёзувчи», деб аташ жоиз эмас. Ёзувчининг сўз санъаткори сифатидаги характери белгиларини унинг ҳаёлотидан, илҳомидан, оламни жуда теран идрок этишидан изламоқ керак. Ёзувчининг ёзувчилиги у танлайдиган бадий воситаларда намоён бўлади. Бу воситалар ёзувчи тасвирлайдиган воқеа-ҳодисалар китобхонда имкон қадар кенг ва теран таассурот уйғотмоғи талаб этилади.

Ян ПАРАНДОВСКИЙ

Ёшлигимизда «Уч денгиз оша» номли бадий фильм бўларди ва унда рус сайёҳи Афанасий Никитиннинг Ҳиндистонга сафари ҳақида ҳикоя қилинади. Кейинчалик Марко Поло, Миклухо-Маклай, Руал Амундсен, Тур Хайердал, Жан Ив Кустолар ҳаётимизга кириб келди. Аммо қадимда ўзимизда ҳам ўша хорижлик сайёҳлардан-да буюк ва машҳур сайёҳлар ўтганини кечроқ билдик. Чунки мустабид шўро тузуми уларни авлодлардан атай яшириб келди.

Аслида саёхату сафарлардан мақсад-муддао ҳар хил бўлган, албатта. Ким илим излаб, ким тақдир зайли билан, яна кимдир азбаройи қизиқиши тўғрисида ҳикоя қилган, Масалан, Ал-Хоразмий ёрнинг тузилиши ва иқлимларни ўрганаркан, экватордан тортиб Андалусу Рум, Қашқару Чин мамлакатлари ҳақида маълумот бер-

матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан ўн йилча муқаддам чоп этилган «Ҳинд сориға» номли саёхатномасига сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз Пиримкул Қодиров таъкидлаганидек, «бу асар бадий бобуршуносликнинг яна бир намунаси» саналади ва унда «муаллиф қайси мам-

кан, «маҳсулотлар ошиб-тошиб, чордоқларга, томларга чиқиб кет-

Адабий жараён

ган дўконлар», «извошлару велосипедларнинг хаддан ташқари безатилиши», «эгри-бугри, тош-

шоир Абдулла Орипов ёзганидек «Сафарнома» жанрида маълумотларни лўнда, ҳаётини, тўқима ва муволажалардан ҳолироқ бўлган тасвирларда бериш талаб қилинади. «Сафарнома»нинг том маънода бадий тўқима, тасаввур маҳсули эмаслигини унутмаган ҳолда унга бадийликдан ироқроқ ҳисоботнома сифатида ҳам қарамаслик керак, албатта. Ёзувчи томонидан яратилган асарда, у қандай жанрда бўлишидан қатъи назар, санъаткор қаламининг жозибаси кўзга ташланиб, сўзлар товонилиб туриши лозим». Муаллиф сафарнома-сига ана шу қондалардан келиб чиққан ҳолда ёндашгани равшан сезилади.

ЎХШАТИШЛАР — МИЛЛИЙ ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Ҳар қандай фаннинг мақсади илмий ҳодиса ва муаммоларнинг ички, ўзига хос қонуниятлари моҳиятини очибдиан иборатдир. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилининг моҳияти ва кўп қиррали вазифаларини кўрсатиб беришда тил соҳибни бўлган халқнинг тарихи, ўтмиши, миллий маданияти ва ўзига хос диди, оламни англаш ва баҳолашнинг халқона мезонлари, фикрлаш ва тушуниш усуллари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш талаб этилади. Бу талаб тилни соҳибни инсон, инсонни эса тил билан биргаликда ўрганишни тақазо қилади. Умуман, тил бойлигига халқ ва миллиятнинг этник, миллий хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашадиган этнологистика соҳаси бу борадаги илмий талабларни қондиришга хизмат этмоқда. Бу фикримизни таниқли тилшунос олим, профессор Н.Махмудов ва илмий ходим Д.Худойберганаева томонидан тузилган ва «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» ҳам тасдиқлайди.

Мазкур луғатни ўзбек тилшунослигида биринчи бор тузилган қимматли тадқиқот, дейиш мумкин. Луғат аввалида Н.Махмудовнинг ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг моҳияти ҳамда маъно ва мазмунининг илмий-назарий таҳлилига бағишланган сермазмун мақоласи берилган. Муаллиф ҳозирги давр тилшунослигида ўхшатиш ҳақида ёзилган илмий адабиётларни, улардаги қимматли мулоҳазаларни, шунингдек, айрим мунозарали ўринларни асосли таҳлил қилган. Бу эса ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг изоҳли луғати чуқур назарий ва амалий асосга таянган ҳолда тузилганидан ғувовлиқ беради.

Луғатда ўзбек тилида учрайдиган 530дан ортиқ турғун ўхшатиш изоҳланган. Муқаддимада ўхшатишларнинг унга ёндаш ҳодисалар билан муносабати, муштарак ва фарқли томонлари батафсил изоҳланган. Булар метафоралар, эпитетлар, фразема ва идеомалар, баъзи турғун сўз бирикмалари ва бошқалардир.

Ҳеч бир ўхшатиш ўз-ўзидан юзага келиб, оммалашиб кетмайди, албатта. Ўхшатишлар инсон тафаккури ва нутқ амалиётининг маълум вақт давомида турғунлашадиган ва оммалашган куйма маҳсулидир. Тилда пайдо бўлган барча ўхшатишлар ҳам кенг оммага манзур бўлиб, нутқ меъёрига, тилнинг фаол қўлланадиган маҳсули — лисоний бирлигига айланиб кета олмайди. Чунки улардаги нарса ва субъект бошқа бир нарса ва объектга мос тушиши, ҳаққоний бўлиши лозим. Мана шу талабга жавоб бера олган ўхшатиш кўпчиликлари манзур бўлади, уни дастлаб яратган, қўлаган субъект аста-секин унутилади ҳамда ўхшатиш оммалашиб, халқ тилининг турғун қўлланадиган лисоний воситаси, мулкига айланади. Луғатда келти-

рилган турғун ўхшатишлар айна шу мезонларга жавоб берадиган, халқимиз тафаккурининг дурдоналаридир.

Луғатда ўхшатишлар содда ва тушунарли шаклда изоҳланган. Аввало, ўхшатиш учун луғавий асос бўлган лексема келтирилади. (Масалан, *булбулдай* ўхшатишининг луғавий асоси булбул лексемаси), сўнгра ҳосил қилинган ўхшатиш берилади (*булбулдай*).

Бундай усул ўхшатиш ҳосил қилиш йўсинининг аниқ, лўнда, ўқувчига тушунарли бўлишини таъминлаган.

Изоҳланган ўхшатишларни кузатиш уларнинг маъно жиҳатдан бир маъноли (моносемантик) ва кўп маъноли (полисемантик) эканини кўрсатади. Масалан, *зилдай, айикчадай, йўлбарсдай* эталонлар бир маъноли, *итдай, сугдай* ўхшатишлари кўп маъноли ўхшатишлар таркибига киради. *Сугдай* сўзининг 3 маънода, *итдай* сўзининг 12 маънода, *илондай* сўзининг 7 маънода қўлланади бунинг далилидир.

Китобда изоҳланган барча ўхшатишлар бадий, фолклор асарлари тилидан, халқ сўзлашув тили ва баъзи лаҳжалардан олинган бўлиб, бу луғатнинг бой материалларга асосланганини далиллайди.

Яна бир жиҳат эътиборни тортадики, баъзи ўхшатишлар фақат ижобий маънони ифодаласа (*марвариддек, ниҳолдай, нондай, момикдай*), баъзилари фақат салбий маъно ифодалайди (*мешдай, мазордай, муздай, наштадай, наҳангдай*). Луғатда изоҳланган ўхшатишлардан аён бўладики, баъзан битта ўхшатиш ҳам ижобий, ҳам салбий маъно ифодалайди. Масалан, *бўридай ёвқур, мард* (одам ҳақида) ва *бўридай гажимок, тиш қайрамок*.

Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати тилимиздаги ўхшатишларни тўплаб, уларнинг пайдо бўлиш омиллари, маъно ва мазмуни ихчам, лўнда изоҳлаб берилган қимматли асар сифатида нафақат ўзбек лексикологияси учун, балки ўзбек тили услубияти, ўзбек бадий тили лингвистикаси, матншунослиги ҳамда бадий адабиёти учун ҳам қимматли манбадир.

Луғат муаллифлари бу ишни давом эттиришларини истардик. Чунки луғатда ўзбек тилида мавжуд барча ўхшатишлар тўла қамраб олинмаган. Шунингдек, оддий сўзлашув тилида, шева ва лаҳжаларда учрайдиган ўхшатишларни ҳам лексикографик белгилар қўйилган ҳолда луғатга кириштиш мумкин.

Хуллас, «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» машаққатли, синчков изланишлар маҳсулидир. Бу луғат ўзбек тили луғатшунослиги ривожига қўшилган муносиб улуш.

Эрнест БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

САЁҲАТ ИСТАЙДИ КЎНГИЛ

са, Ал-Жайхоний ўз асарларида дунёнинг тасвири, ундаги ажойиботлар, шаҳарлар, пойтахтлар, денгизлар, дарёлар, халқлар ва уларнинг маҳолари тўғрисида қизиқ-қизиқ ҳикояларни баён этади. Абу Райхон Беруний Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Покистонда кўрган-кечирганлари ҳақида сўз юритса, сайёҳ Ҳожи Юсуф Хайъатий Россия, Туркия, Жазоир, Миср, Марокаш, Франция, Италия, Греция, Эронга саёхатлари билан кишини ҳайратга солади.

Шулардан ҳам кўринадик, саёхат ва сайёҳликнинг илдизлари бизнинг ўлкамизда жуда олис ўтмишга боғланади. Не бахтки, ана шундай саёхатлардан шаҳодат бўлиб, ниҳоятда қимматли ҳамда қизиқарли саёхатнома-лар, қўлёзмалар сақланиб қолган ва уларнинг аксарияти хали-ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Адабиётда «Саёхатнома» деб аталадиган бу жанр анчайин «нозик» бўлиб, ёлғончи кўтармайди, яъни муаллифнинг бирон мамлакатга саёхати таассуротларига бағишланган бўлса-да, улар ҳамиша асарнинг мақсади, услуби ва маҳоратига қараб баҳолашган.

Назаримда, кейинги йилларда ана шундай «Саёхатнома»ларни давом эттирган асарлар орасида таниқли адиб Камчибек Кенжанин китоблари алоҳида ўрин тутади ва ўзининг кўзда тутилган мақсади, мазмун ва мундарижаси ҳамда ижроси билан китобхонларда катта қизиқиш уйғотади. Муаллифнинг «Шарқ» нашриёт-

лакат халқи ва табиат манзараларини қаламга олмасин, уларни «Бобурнома»даги мумтоз тасвирлар билан қиёслайди ва китобхон «шу орқали тарихнинг беш асри давомидаги ҳаракати ва ўзгаришлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади».

Биз бундай бадий кашфиёт даражасига кўтарилган саёхатномани илгари, Бобур номли Халқаро жамғарманинг биринчи илмий экспедициясида иштирок этган таниқли адиб Х. Султоновнинг «Бобурийнома» асари тимсолида кўрган эдик.

Менингча, бундай асарларга ана шундай истеъдодли ёзувчилар кўл ургани маъқул экан. Чунки улар бошқалар кўрмаган нарсаларни кўрадилар, бошқалар сезмаган нарсаларни ҳис қиладилар ҳамда ўзига хос шакл ва услубда қоғозга туширадилар.

Камчибек Кенжа «Саёхатнома»ларида айнан ана шу фазилат яққол кўзга ташланади. У нафақат фидойи бобуршунос Зокиржон Машрабов бошлиқ экспедициянинг аъзоси, балки нозиктаб шоир ва тажрибали ёзувчи сифатида фикр юритади, қўлаб янги маълумотлар, нарсаларнинг бизга номмаълум қирраларини очиб, эътиборга моли ҳулосалар чиқаради. Қолаверса, тили ширин, услуби дилбар адиб саёхатлари тафсилотини ҳажжон, ҳайрат ва муҳаббат билан тасвирлайдики, ушбу жиҳат унинг китоблари ўқишли қизиқишни таъминлаган.

Хусусан, муаллиф қадимий Ҳирот шаҳри ҳақида сўз юрита-

тупроқли тартибсиз, но-обода ва бефайз йўللар», «кўҳна ва қаровсизлиги билан одамда ноҳуш ва дилгир кайфият уйғотувчи кўчалар, аксарият эски, чанга беланган машиналар, янгига тиг тегмаган серсоқол эркаклар» беихтиёр кўз олдингиздан ўтади. «Тунги Машҳаднинг пештоқларида эълонлар, номлар ва лавҳалар жимирлаб ёниб турган бинолари, кенг кўчаларда қатновнинг ниҳоятда тизилганлиги, «Ҳиндистондаги кичик-кичик кўллар, ҳовуларда тўр билан балиқ овлаётган болалар, дарёга қармоқ ташлаб ўтирган аёллар»ни кузатгандек бўласиз.

Шуниси диққатга сазоворки, Бобур ўтган йўللарда бораётган сайёҳлар Фирдавсий, Мирзо Бедил, Жомий, Навоий, Хусайн Бойқаро, Форобий, Али Қўшчи, Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Ғолиб ва албатта, бобурийзодаларнинг қадимжоларини зиёрат қиладилар. Уларнинг ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотлар билан ақидан танишишга уринадилар.

Табиатан саёхатга ўчилигим, «Саёхатнома»ларни яхши кўрган учунми, Камчибек Кенжанин «Ҳинд сориға» китобини мириқиб ўқиб, гўё ўзимни экспедиция аъзолари билан сафарга бирга бориб келгандек ҳис қилганим эсимда. Шундай ҳолат, ҳаяжон мени муаллифнинг «Анджондан Дақкагача», «Анджондан Бағдодгача» сингари саёхатномаларида ҳам тарқ этмади.

Жумладан, «Анджондан Дақкагача» китобидаги сўзбошида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ



Чинқиз Аҳмадов. «Буюроча рақс»


Мен бу китоблар орқали муаллифнинг Қирғизистон, Қашқар, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон саёхатлари билан танишарканман, мутолаа жараёнида беихтиёр: «Тугаб қолмасмикан?...» дея хавотирландим. Шуниси қизиқарлики, муаллиф сизни «етақлаб» ўша ерларни фақат «сайр» қилдирлар ва лавҳалар жимирлаб ёниб турган бинолари, кенг кўчаларда қатновнинг ниҳоятда тизилганлиги, «Ҳиндистондаги кичик-кичик кўллар, ҳовуларда тўр билан балиқ овлаётган болалар, дарёга қармоқ ташлаб ўтирган аёллар»ни кузатгандек бўласиз.

Шуниси диққатга сазоворки, Бобур ўтган йўлларида бораётган сайёҳлар Фирдавсий, Мирзо Бедил, Жомий, Навоий, Хусайн Бойқаро, Форобий, Али Қўшчи, Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Ғолиб ва албатта, бобурийзодаларнинг қадимжоларини зиёрат қиладилар. Уларнинг ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотлар билан ақидан танишишга уринадилар.

Табиатан саёхатга ўчилигим, «Саёхатнома»ларни яхши кўрган учунми, Камчибек Кенжанин «Ҳинд сориға» китобини мириқиб ўқиб, гўё ўзимни экспедиция аъзолари билан сафарга бирга бориб келгандек ҳис қилганим эсимда. Шундай ҳолат, ҳаяжон мени муаллифнинг «Анджондан Дақкагача», «Анджондан Бағдодгача» сингари саёхатномаларида ҳам тарқ этмади.

Жумладан, «Анджондан Дақкагача» китобидаги сўзбошида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ

Эркин УСМОНОВ



Маъсуд ака билан суҳбатлашиш мақсадида шахримизнинг машҳур гўшаларидан бири — “Камолон” маҳалласидаги “Устазода” халқ амалий санъати асарлари ишлаб чиқариш корхонасига бордик. Корхона ёнидан Бўзсув канали оқади. Чор атрофни ўраб олган дараклар, гуллар, ёғоч ўймакорлигида ишланган устунлар, шода-шода анор меваларидан ерга эгилган даракларнинг ўзига хос манзараси усталарга илҳом бағишласа ажабмас. Устахона деворларига кандакорлик буюмлари осилган, хона саҳни ишланган анжонлар билан тўла. Супага терилган нақшлари бежирим, лов-лов ёниб турган баркашлар, чойдишлар нимкоронги хонага ҳашам бағишлайди.

Уста билан суҳбатимиз сулоланинг давомийлигини таъминловчи асосий омиллар, ёшларнинг кандакорликка муносабати ҳақидаги савол билан бошланди.

— Аввало, Марғилондек қадимий шаҳарда, усталар оиласида туғилганимдан ғоят фахрланаман, — дея сўз бошлади уста. — Кандакорлик хунари чуккур эгаллаб, юртимизда ва хорижда ҳам доврғ қозонган катта дадаларим Тўхта Охун, Мадали Хожидан отам Маҳмуд Хожидан қарийб юз йил умр ўрганган. Сулоламизнинг тарихи эса уч юз йилни қамраб олади. Бизнинг оила еттинчи авлод саналиб, тўрт укам, уларнинг ўғиллари ва уч нафар ўғлим, ўнлаб шогирдларим кандакорлик хунари билан шуғулланиб келмоқдалар. Сулолашимиз узок яшаб келишининг сирини шундаки, ота-боболаримиз фарзандларига кандакорлик санъатини чуқур

Хунармандлик турларининг ривожланиши ва умрбоқийлигида уста сулолалар яратган мактабнинг ўрни катта. Ана шундай сулолалардан бирида ўсиб вояга етган таниқли уста Маъсуд Мадалиев бугунги кунда Тошкентда яшаб, ижод қилади. Ўзбекистон рассомлари ижодий уюшмаси аъзоси М.Мадалиев анъанавий хунармандлик кўргазмаларининг мунтазам иштирокчиси. У моҳир кандакор бўлиш билан бирга, иқтидорли наққош ҳамдир. Маҳоратли устанинг ўзбек маданиятига қўшиб келаятган ҳиссаси эътиборга олинди, Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида мувофиқ “Ўзбекистон халқ устаси” унвони билан тақдирланди.

ўргатиб, анъанани давом эттиришни онгимизга синдирганлар. Яна энг муҳим омиллардан бири устанинг касбига фидойилигидир.

Биласизми, болалигимда отамнинг устахонасидан мўъжизалироқ жой йўқ эди. Отамнинг кўли бўш турганини ҳеч эслолмайман. Доим изидан

Маъсуд МАДАЛИЕВ:

“САҲАРДАН УМИДЛАРИМ КЎП...”

эргашиб юрардим. Ёшим улғайиб боргани сари, отамдан қолган хунар ҳаётимнинг мазмунига айланди. Хунарга нисбатан қарашларимнинг моҳияти ўзгарди, муҳаббатим ортди. Севимли касбим мени дунёга танитди.

Тўғри, бу хунарни, умуман, бошқа хунарларни ўрганишга баъзи ёшларнинг сабри чидамайди. Чунки метални ўйиб, нақш чиқиш жараёни мураккаб иш бўлиб, анча вақтни олади. Ҳар қандай хунарга ёшларда, биринчи навбатда, меҳр-муҳаббат, фидойиликни тарбиялаш керак.

Улар кандакорлик буюмлари ҳақида тушунча ҳосил қилишлари учун турли музейларга олиб бориб, тарихий санъат асарлари билан яқиндан таништириш муҳим. Ана шундагина ёшларда гуруҳ-ифтихор тўғрисида, биринчи навбатда, меҳр-муҳаббат, фидойиликни тарбиялаш керак. Улар кандакорлик буюмлари ҳақида тушунча ҳосил қилишлари учун турли музейларга олиб бориб, тарихий санъат асарлари билан яқиндан таништириш муҳим. Ана шундагина ёшларда гуруҳ-ифтихор тўғрисида, биринчи навбатда, меҳр-муҳаббат, фидойиликни тарбиялаш керак. Улар кандакорлик буюмлари ҳақида тушунча ҳосил қилишлари учун турли музейларга олиб бориб, тарихий санъат асарлари билан яқиндан таништириш муҳим. Ана шундагина ёшларда гуруҳ-ифтихор тўғрисида, биринчи навбатда, меҳр-муҳаббат, фидойиликни тарбиялаш керак.

римда ҳукуматнинг “молия” деб номланган ташкилоти бўларди. Ўша пайтда отам уйда тинчгина ишлай олмасди. Хунармандларга на устахонада, на уйда тинчлик йўқ эди. Бунинг устига кандакорлик асарини яратиш битта устага боғлиқ эмас. Айнан, усталар орасида узилиш-



лар сабаб кўлаб сулолалар тугаб кетди. Шундай қийин вазиятларда ҳам отам хунарини ташламади. Санокли қолган хунармандларни йиғиб, биз фарзандларнинг турли услубларни чуқурроқ ўрганишимизга замин яратди.

Хунармандлик том маънода мустақиллик йилларида кадр топиб, тараққиётга юз тутди.

Айниқса, 1997 йилдан буён уюшманинг барча аъзолари қатъий белгиланган солиқ ва божхона тўловларидан озод қилиниши уста-хунармандларнинг халқаро кўргазмаларда қатнашиб, миллий санъатимиз намуналарини намойиш этишига имкон берди.

— Ота-боболаримиз сопол, мис, қумуш ва латун каби металллардан ясалган уй-рўзгор буюмларида ҳикмат кўрган-

лар. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Антик даврларда ҳам одамлар сопол ва рангли металллардан ишланган уй-рўзгор буюмларининг саломатликка фойдалилигини билишган. Испания элчиси Руи Гонсалес Клавихоннинг Амир Темур саройига қилган саёҳати қундалигида элчилар билан танишиш зиёфатида олтин, қумуш, сопол, ноёб саналимиш чинни лаганларга яхна пишган гўшт қўйилгани, нафис нақшлар билан безатилган олтин ва қумуш қувачаларда бия сутидан тайёрланган қимиз тортилкини хавас билан баён этилади. Дарҳақиқат, ўша даврларда рангли металллардан ясалган буюмлар урф бўлган. Элчиларга совға сифатида нафис нақшлар, тошлар билан безатилган олтин ва қумушдан ясалган баркашлар, кўзалар тортиқ қилинган.

“Бобур” видеофилмида шонинг кечки таом тановул қилиш саҳнаси бор. Унда усти гўмбазий қопқоқ билан зин ёпилаган олтин товада таом келтирилади. Қопқоқнинг номи саври дейилади. Эътибор беринг, тарихий манбаларда ёзилишича, ҳаммомларни Ҳиндистонда бирин-

чи бўлиб шох Бобур қурдирган. Демак, саври ҳам уста боболаримиз ижодида мансуб. Энди эса овуруполликлар савридан кенг фойдаланишади. Демак, ота-боболаримиз сут, шарбат, қимиз, ширинлик, хўл ва қуруқ мевалар алоҳида мис ва сопол идишларда сифатли сақланишини яхши билганлар. Айниқса, мис, қумуш идишларнинг сувни турли зарарли моддалардан тозалайдиган хусусияти бор. Буни олимлар, шифокорлар ҳам яхши билишади.

— Сулолани давом эттиришнинг шарафли томонлари билан бирга, қийинчиликлари ҳам бўлса керак...

— Албатта, фарзандлар фақат хунар ўргангани билан иш битмайди. Ойлада тарбия, илм-маърифат, ўзаро муносабат деган гаплар бор. Зулфия келиноинингиз билан

бўлиб, “Халқ устаси” бўлиш менга насиб қилганидан бошим кўкка етди. Ўтмишда усталар кандакорлик буюмларига мураккаб композицияларни маҳорат билан ўйиб чиқишса-да, исмла-



рини муҳрлашни ўйламаганлар. Шу сабабли коллекциячилар томонидан йиғилган аксарият

аъло даражадаги ишларини кўриб, қушдек енгил тортмаман.

Кандакорлик йўналишида ўз йўлини топиш ва услубимни бойитиш мақсадида жуда кўп санъатшунос олимларнинг мақола ва рисоаларини ўқиб чиқдим. Тарихий манбалардан усталар ҳаёти ва ижодини ўргандим. Халқаро этнографик музейларга бориб, бир пайтлар юртимиздан олиб кетилган, ота-боболаримиз ижодида мансуб кандакорлик намуналарини услубини ўрганишга мурасар бўлдим. Айниқса, темирлар ва бобурийлар даврида бу санъатга катта урғу берилган, гуллаб-яшнаган. Мамлакатимиз му-

зейларида сақланаётган қадимий кандакорлик буюмларини кузатаман. Улардаги услубий товланишларга бой нақшларга замонавий шакллар ва чизгиларни уйғунлаштириб ишлайман. Қуллоқ ўшамаган кўзани лойга айлантириб, қайта чархга солиб ишлаши мумкин. Кандакорлик бундай имкон берилмаган. Агар биргина офтобанинг жўмраги ва дастаси ўзаро монанд ёпишмаса, ҳеч бир нақш уни безолмайди. Кандакор зийрак бўлиши, геометрик ўлчамларни пухта билиши лозим. Олдий кандакорлик буюмидан санъат асари яратилган хунарманд уста ҳисобланади. Фидойилик, заковат, собитлик каби омиллар уста истеъдодини чарқайди, ҳаётини чарқобон этади. Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонага ўхшаш замонавий биноларнинг эшик тутқичлари, ёриткичларга, пойтахтимизга кўрк бағишлаб турган янги Оқ масжид гўмбазига ўрнатилган ярим ой шаклига, шунга ўхшаш иморатларга безаклар ишлаш билан бандман. Ҳамшаҳарларимиз совғалар учун турли буюртмалар билан мурожаат қилишади. Яқин кунларда шогирдлар билан навбатдаги кўргазмани ташкил этиш ниятимиз бор. Яна кандакорликнинг сир-асрорлари ҳақида турли маълумотлар тўплаб билан шуғулланилган. Шунингдек, ёшлар учун кандакорлик ҳақида ўқув қўлланма чоп этиш ниятим ҳам бор.

Сарвара ҚОСИМОВА суҳбатлашди

РАҚС САНЪАТИДА ЯНГИ ДАВР

Рақс — миллий маданиятимизнинг ўзак томирига айланган улкан санъат. У асрлар давомида сайқал топиб келаятган ўзига хос тараққиёт йўлига эга. Узоққа бормайлик, XX асрнинг ўзида юртимизда қанчадан-қанча буюк рақс усталари етишиб чиқмади дейсизми. Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева сингари устозлар саъй-ҳаракати билан ўзбек рақси жаҳон саҳнасини забт этди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори миллий рақс санъатида ҳам янги саҳифа очди. Фолклор-этнографик жамоалар халқ хотирасида сақланиб келаятган кўлаб тақлидий ўйинлар, рақслар, театрлаштирилган маросимлар ва майдон томошаларини қайта тиклашга эришди. Жойлардаги халқ ансамбллари ҳар бир вилоятнинг ўзига хос санъати, рақс услуби ва жозибасини сақлаш, унutilаётган ўйин ва рақсларни қайта тиклашда катта жонбозлик кўрсатди. Мисол учун, Бухорода қадим замоналардан мерос бўлиб келаятган мавриғихонлик рақси, Сурхондарёда “Хўп майда” туркумидаги ўйинлар янгидан кашф этилди.

Анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш барча ансамблларда бир хил кечмаганини ҳам тан олиш керак. Айрим ижодий гуруҳлар ҳали етарли тажриба тўплаган улгурмагани сабабли бир қатор рақсларда камчиликлар яққол сезилиб турарди. Бундан ташқари, рақс ансамбллариининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона тизимни яратиш, балетмейстерлар ва рақс ижрочиларини бирлаштириш долзарб масаллага айланди. Шу жиҳатдан

Президентимиз томонидан 1997 йил 8 январда қабул қилинган “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармон соҳа тараққиётида муҳим қадам бўлди. Мазкур Фармонда ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, миллий анъана ва усулларини тиклаш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг



терлар, рақс ижрочилари етишиб чиқди. Миллий рақс ва хореография санъатида оид методик қўлланмалар, дарсликлар тайёрланиб, кенг қўламли илмий-назарий тадқиқотлар амалга оширилди. Миллий истиқлол гоғаларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик

завқ бағишловчи замонавий миллий рақс мактабини яратиш, ўзбек рақсини дунёда кенг тарғиб қилиш борасида катта ютуқларга эришилди. Хусусан, иқтидорли ёшлардан иборат рақс гуруҳлари, яхкаҳон рақсозлар жамоалари ташкил этилди. Турли танлов ва анжуманларда ўз маҳоратини намойиш қилаётган ёшларга “Нихол”, Зулфия номидаги мукофотларнинг берилиши рақс санъати ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги пайтларда оммавий маданият таъсири натижасида халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган саҳнавий чиқишлар ҳам учраб турибди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун “Ўзбекрақс” бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлар рақс жамоалари ва яккаҳон ижрочиларга лицензия бериш жараёнига жиддий эътибор қаратиши, замонавий

Мулоҳаза

рақс талаблари асосида фаолият юритиши лозим. Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида турли рақслар кашф этилиб, янги усул ва йўналишлар шиддат билан ривожланоётган. Кейин мутахассисларнинг фикрича, айрим ҳолатларда анъанавий йўсиндаги миллий рақсларнинг аксар қисми замонавий ўйинларга ўз макени бий бераркан. Бу башорат қанчалар тўғрилигини, албатта, вақт кўрсатади. Муҳими, миллий рақсимиз тақдирини бефарқ бўлмайлик. Асрлар давомида шаклланиб, ноёб мерос сифатида сайқал топиб келаятган бетакрор рақслар замон билан ҳамнафас бўлиши учун ижодкорлар мусиқа асбоблари, ранг-баранг либослар билан бир қаторда замонавий техник воситаларни ҳам қўллаб билиши лозим. Зеро, ўзбек рақсининг келажакига нафақат ижодкор ва мутахассислар, балки олдий санъат ихлосмандлари, бир сўз билан айтганда, барчамиз дахлдормиз.

Муяссар СОТИВОЛДИЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти

ЗАМОНАВИЙ РУҲДА

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Omnibus” ансамбли навбатдаги концерт дастурини муҳлисларга тақдим этди. Етакчи виолончел ижрочиси Жамшид Убайдуллаев билан ҳамкорликда ўтган “Ўзбекистон ва Эрон ёш композиторлари мусикаси” номли мазкур концертда ёш композиторларнинг миллий руҳдаги замонавий мусиқа асарлари ижро этилди. Дастур эронлик композитор А.Аббосининг “Zavaya” асари билан очилди. “Omnibus” ансамблининг ташкилотчиларидан бири, композитор ва дирижёр Артем Кимнинг айтишича, композитор ушбу асарини айнан “Omnibus” учун ёзган.

Концертда ёш ўзбек композиторларидан Сабина Хўжаеванинг “Hat”, эронлик композиторлар И.Мофакхамнинг “Homage A Abolhasan Saba”, А. Самминининг “From East to West” асарлари ҳам янгради. Композитор Ойдин Абдуллаеванинг “Epitafiyu”, “Omnibus” ансамбли созандаси Равшан Тўхтамишев ижросидаги “Дарё” асарлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Нодирбек МАХАРОВ

КОРЕЯ МАДАНИЯТИ — ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон ва Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораётир. Пойтахтимиздаги Касб-хунарга ўқитиш марказида бўлиб ўтган корей маданияти кунлари шундан далolatлидир. Кўриб халқаро корейлик агентлиги (KOICA) ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир “Тур-

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

Маданият кунлари доирасида миллий таомлар намойиши ҳам ўтказилди. Махсус ташкил этилган танлов чоғида эса иштирокчилар Корей тарихи борасидаги билимларини синбаб қўриш имконига эга бўлишди.

Янги нашрлар УМР ҲИКМАТЛАРИ

Театр ва кино соҳасидаги узок йиллик ижоди билан миллий санъатимиз даргаларидан бирига айланган Ўзбекистон Қарахоним, Халқ артисти Зикир Муҳаммадзонов келажак авлодларга катта мерос қолдиришга эришди. Актер томонидан маҳорат билан ижро этилган юзлаб роллар қаторига маъбуот саҳифаларида эълон қилинган кўлаб мақола ва ижодий портретларни ҳам қўшиб мумкин. “Шарқ” нашриётида яқинда чоп этилган “Қалбдаги ўчмас излар” номли китобда З.Муҳаммадзоновнинг ана шундай ижод намуналари жамланган. Мазкур рисоладан миллий саҳна санъатимиз тарихи, бугунги қиёфаси, машҳур спектакллар таҳлилига бағишланган мақолалар жой олган. Айниқса, актер билан бирга ҳамнафас бўлган саҳна даргалари ҳақидаги ижодий портретлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

“Қалбдаги ўчмас излар” китобини Миллий академик драма театрининг юз йиллик тўйига ўзига хос тўхфа, дейиш мумкин.

МУМТОЗ НАВОЛАР ВА БОЛАЛАР

Бокудаги муҳташам “Коинот” ёшлар марказида VI Халқаро болалар муғом фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Туркия, Эрон, Миср, Туркменистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган ижрочилар қаторига йиғирмадан ортиқ ўзбекистонлик ёш истеъдод эгалари ҳам ўз маҳоратини намойиш этди. Муҳлислар озарбойжон муғоми, ўзбек шашмақоми, туркча узун кўшиқ сингари мумтоз йўналишдаги бетакрор ижролардан баҳраманд бўлишди.

Фестивал давомида ўзбекистонлик болаларнинг ижроси алоҳида эътироф этилди. Жумладан, Сурхондарё вилояти 6-мусиқа мактаби ўқувчиси Зилола Хайруллаева фестивалнинг асосий йўналишларидан бирида голиб, деб топилди ва ҳақамалар ҳайатининг махсус соврини билан тақдирланди. Ўзбекистонлик ёшларнинг маҳорати фестивалда иштирок этган таниқли муғом ижрочиларини ҳам ҳайратга солди. Улар мамлакатимизда ёш истеъдод эгаларига катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлашди.

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти



БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ...

Вафо ва садоқат тимсоли, ўзбек шеърятининг ёрқин намоёниси Зулфияхоним издошларини кўрганда, шеърларини ўқиганда ва суҳбатда бўлганда, беихтиёр қон-қонимизга сингиб кетган, руҳий илғаб олинмаган бир қадрият ёдимга тушади: ёши катталарни ҳурмат қилиш, қўлида юки бўлса ёрдам бериш ва дуосини олиш...

Менимча, бу қизларимиз Зулфияхонимнинг елкасидаги шеърят юкини олишга интилаётгандек, у қолдириб кетган гулзорга ўз гулларини экаётгандек туюлади.



Зебо Нурмонованинг "Нурга ошиқ дарахтман" номли шеърый гулдастасини ўқиб шу хулосага келасиз. Шеър — кўнгил кашфиёти, деб бекорга айтилмаган. Кўнгил чексиз олам. Уни ҳар бир ижодкор ўзича янгидан инкишоф этади. Яна адабиёт бу — адабиёт. Унинг бошқа номи ҳам,

эгизаги ҳам йўқ. Зебонинг шеърларида ана шу тамойил кўзга ташланади. Ва бу нарса китобнинг шеърят ихлосмандлари томонидан яхши кутиб олиниши ва завқу шавқ ила ўқилишига сабаб бўлади.



Турфа чечаклари хушбўй ифорларга лиммо-лим тоғлар она заминимизнинг жаннатмакон жойларидир. Ҳайбатли ва салобатли тоғлар қалбдаги гўбдорларни бир зумга бўлса-да аритади, ҳаётга муҳаббат уйғотади. Майин шабада руҳингизга енгиллик, танингизга тетиклик олиб келади. Дилрабо Норкулованинг "Гулу гул ўйнаган менман" номли тўплами кишида худди шундай таассурот қолдиради. Қадрдон туйғуларга ошно этади.



Шеър қайси мавзуда, қандай шаклда ёзилмасин, унда, аввало, самимият, қолаверса, мудроқ хисларни уйғотадиган куч бўлиши керак. Гоҳи ота бўлиб тергаса, гоҳ она бўлиб алла айтишию акадай танти, сингилдай куюнчак ва юракка меҳр бўлиб ўрнашиши шарт.

Қўлингдан тутиб чексиз кувончларга, туғанмас бахт сари етаклай олса — бу шоирнинг ҳам ўқувчининг ҳам бахти. Мафтуна Норматованинг "Шоҳона шодлиқлар" деб номлаган китоби яхши шеърый тўплам. Тўпламдаги шеърлар қалбингиз торларини жаранглатиб, ўзингизга ва келажагингизга бўлган ишонч учқунини алангга олдириши шубҳасиз.

"Шарқ" нашриётида жуда ҳам кўркем дизайнда чоп этилган, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлиш шоира қизларимизнинг китобларини ўқиганда ана шундай олижаноб туйғуларни бошдан кечирасиз.

Санжар ТУРСУНОВ

Янги нашрлар

ҳимояласанг, гоҳ опа, деб талпинасан. Дунёда фақат яхшилик ва муҳаббат бор деб ишонасан. Бу ишонч қалбингиздаги тоза туйғуларни жунбушга келтиради. Меҳриноз Аббосованинг "Юлдузранг қўшиқлар" деб аталган тўпламини ўқиб шу фикрга келасиз.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НЕВАРАЛАРИ

Камолиддин Беҳзод боғ-музейида миниатюрочи рассомлар Баҳодир Ҳожиметов ва унинг шоғирд-ўғиллари Беҳзод ҳамда Шерзод Ҳожиметовларнинг "Мўъжаз санъатнинг сеҳрли олами" номли кўргазмаси очилди. Кўргазмада "Камолиддин Беҳзод устозлари даврасида", "Шарқона тўй", "Мирзо Улуғбек", "Чингиз Аҳмаров", "Навоий шеърятини" каби ранг-баранг мавзудаги саксондан ортиқ асарлар намоиши этилмоқда.

Миллий рассомчилигимизда ўз йўлига эга бўлган Ҳожиметовлар оиласи миниатюра санъатини янги гоҳ ва ечимлар билан бойитишга интилишган. Мисол учун, Баҳодир Ҳожиметов миниятура тасвирларини мусиқа асбобларига ишлов услубидан кенг фойдаланади. Айниқса, доирага ишланган тасвирлар нафислиги, жозибадор ранглари билан ажралиб туради. Уларнинг мавзу доираси кенг бўлиб, тарихий, маиший, манзара каби усулларда чизилган.

Этиборли жиҳати, мусаввир миниатюра аъёнларига янгича назар солади. Масалан, "Камолиддин Беҳзод" асари ёғоч лаганда, яъни думалоқ композицияда тасвирланади. Асарнинг марказий қисмида ҳаёллар оғушига чўмган Камолиддин Беҳзод сиймоси гавдаланади. Мусаввирнинг

ўй-фикрлари турли воқеа ва рамзлар тимсолида акс этган. Беҳзод қарши-сидаги чархпалак устоз-шоғирд аъёнларининг давомийлигига ишора қилиб, чархпалак ёнида Шарқ донишмандларининг рамзий образлари уйғунлик ҳосил қилади. Асарда буюк мусаввир яратган миниатюралардан лавҳалар ҳам ифодаланган.

Ушбу ижодий изланишларнинг мантикий давомини Беҳзод Ҳожиметовнинг "Камолиддин Беҳзод шоғирд ва устозлар даврасида" номли триптихда ҳам кўрамиз. Мовий фонга ишланган миниатюрада гириҳ ва ислимий шакллар уйғунлашади. Асарнинг марказий қисмида боғ манзараси ўрин олган. Унда Камолиддин Беҳзод шоғирдлари билан

бирга тасвирланиб, атрофини гўзал илҳом парилари куршаган. Боғ бежирим панжара билан ўралгани эса асарга ўзига хос яхлитлик бағишлаган. Композициянинг ўнг тарафида Алишер Навоий ва Беҳзод учрашуви тасвирланган. Гуллаган дарахтлар гўёки уларнинг суҳбатини тинглаётгандек, нафис жозиба касб этади. Триптихнинг чап тарафида эса Хусайн Бойқаро қабулидаги Алишер Навоий ҳамда навқирон йигит кўринишидаги Беҳзод гавдаланади. Алишер Навоий ёш мусаввир яратган асарни Хирот ҳукмдорига намоиш этмоқда. Хусайн Бойқаронинг хайратини, айниқса, юз ифодаси ёрқин ифодаланади.

Кўргазмадан ўрин олган асарларни кўздан кечираркансиз, буюк миниатюра усталари яратган аъёнларга юксак ҳурматни ҳис этасиз. Мусаввирлар ўрта аср миниатюраларига хос ранглар уйғунлиги, нозик тасвирий ечимларга кенг мурожаат қилишади. Мўъжаз асарларда Фарб тасвирий санъатининг мумтоз ва замонавий аъёнлари ҳам чуқур англаниганини илғаш мумкин. Муҳими шундаки, ижодкорлар Шарқ миниатюрасига хос юксак туйғулар парвозини, ранг ва шакллар поэтиксини сақлаб қолиш билан бирга уни янада бойитишга эришган.

Зарифа ҲОШИМОВА

ЧИН ЭЛИДАН САБОЛАР

Бадий академиянинг кўргазмалар залида Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма икки йиллигига бағишланган "Буюк Ипак йўли бўйлаб ижодкорлик: Ўзбекистондаги изланиш" номли кўргазма очилди. Экспозициядан хитойлик рассомларнинг манзара асарлари ҳамда ўзбекистонлик ва хитойлик фотосуратчиларнинг ҳар икки мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётини тараннум этувчи суратлар ўрин олган.

—Бундай тадбирда биринчи марта қатнашганимда Хива шаҳри билан танишишга муассар бўлган эдим, — дейди хитойлик рассом Хе Жиан Лин. —Қадимий шаҳарнинг улғувор обидалари, одамларингизнинг самимий-

лиги катта таассурот қолдирганди. Бу йилги кўргазмага юртимизнинг сўлим манзаралари акс этган суратларни тақдим этдим. Насиб қилса, келаси йил Хива шаҳрига бағишланган туркум суратларимни ўзбекистонлик мухлисларга тўхфа этмоқчиман.

Хитойлик таниқли рассом Лун Жуйнинг таъкидлашича, Чин мамлакатини тасвирий санъати-га жаҳон санъатининг муҳим қисми сифатида қаралади. Айни пайтда Хитой тасвирий санъати эркин услубда иш юритади. Мазкур кўргазма Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Бадий академия, "Ўзбекэнерго"ДАК, "Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонаси ҳамда Хитой миллий рассомлик академияси ва Ўзбекистондаги Хитой Халқ Республикаси элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Гёте институтининг Шарқий Европа ва Марказий Осиёда музейларни замонавийлаштириш мақсадида "Вақт машинаси. XXI аср музейлари" лойиҳаси доирасида "Йўллар жилоси" кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур тадбир 2013-2014 йилларда Лейла Табассоми ва Барбара Гейнрих томонидан мамлакатимизда ўтказилган туркум илмий-амалий семинарларнинг якуни бўлиб, унда замонавий экспозиция тушунчасига янгича ёндашув кўзга ташланади. Ўзбекистонлик таниқли рассом Александр Волков асарлари кўргазманинг асоси бўлди. Бу ерга ташриф буюрганлар йигирманчи аср бошларида Тошкентда ҳукм сурган муҳитни кўз олдиларига келтирдилар.

С.КОСИМОВА

Акс садо

Тўғри жавоб бўлмади

Газетамизнинг ўтган (№ 41 (4248) 2014 йил 10 октябрь) сонидида шoir Ботир Эргашевнинг шеърый топшмоқларини чоп этгандик. Афсуски, эллиқдан ортиқ жавоблар орасида бирорта ҳам тўғри жавоб бўлмади. Қуйида топшмоқларнинг жавоблари билан танишасиз.

1. Дутор
2. Газета
3. Лолақизғалдоқ
4. Доира
5. Тиш тозалагич
6. Пахта чаноғи
7. Обрў-мансаб
8. Байроқ

Янги спектакл

Сирдарё вилоят мусикали драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев қиссаси асосида "Жонгинам, шартингни айт" номли янги мусикали комедия саҳналаштирилди.

Ушбу асар гарчи анча йиллар аввал ёзилган бўлса-да, мавзунинг долзарбли-

"ЖОНГИНАМ, ШАРТИНГНИ АЙТ"

ги билан ижодкорларни жалб этди. Режиссёр Сайфиддин Мелиев бошчилигида саҳнага қўйилган бу асарнинг бош гоҳси — оила муқаддаслиги.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Маматиллохунова, Адҳам Абдуллоев, Озода Абдуллоева, Зулфия Эшмуротова, Иброҳим Қосимов, Нафиса Холматова, Раъно Юнусова, Фарҳод Уринов, Илҳом Аллаёров, Шерзод Каттабобоев, Раъно Хайитова ва бошқалар ижро этмоқда.

Ў.КИЛИЧЕВ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Кабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 7628 Буюртма Г — 1157. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

